

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01  
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**МАХМУДОВ МУХТОР ЖАМОЛОВИЧ**

**СФМ ВА ҚЎНДИРМАЛАРНИ ҚЎЛЛАБ БЕНЗИНЛАРНИ  
ДЕТОНАЦИОН БАРҚАРОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ КОЛЛОИД –  
КИМЁВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси  
02.00.08 – Нефт ва газ кимёси ва технологияси**

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2020**

**Кимё фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора химических наук (DSc)**

**Content of the dissertation abstract of doctor of science (DSc)**

**Махмудов Мухтор Жамолович**

СФМ ва кўндирмаларни кўллаб бензинларни детонацион барқарорлигини  
оширишнинг коллоид – кимёвий хусусиятлари..... 3

**Махмудов Мухтор Жамолович**

Коллоидно – химические особенности повышения детонационной  
стабильности бензинов с использованием ПАВ и присадок ..... 31

**Makhmudov Mukhtor Jamolovich**

Colloidal – chemical features of increasing the detonation stability of gasolines  
using surfactants and additives ..... 59

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 63

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01  
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**МАХМУДОВ МУХТОР ЖАМОЛОВИЧ**

**СФМ ВА ҚЎНДИРМАЛАРНИ ҚЎЛЛАБ БЕНЗИНЛАРНИ  
ДЕТОНАЦИОН БАРҚАРОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ КОЛЛОИД –  
КИМЁВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси  
02.00.08 – Нефт ва газ кимёси ва технологияси**

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2020**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.DSc/K89 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида [www.ionx.uz](http://www.ionx.uz) ва «Ziyoueb» ахборот таълим порталида ([www.ziyoueb.com](http://www.ziyoueb.com)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчилар**

**Аҳмедов Улуг Каримович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Нарметова Гульнора Розиккуловна**

кимё фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Акбаров Хамдам Икромович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Эшметов Иззат Дусимбатович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Дўстов Ҳамро Бозорович**  
кимё фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Наманган муҳандислик – технология институти**

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.K/T.35.01 рақамли бир марталик Илмий кенгашнинг « 9 » октябрь 2020 йил соат 15<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90, e-mail: [ionxanruz@mail.ru](mailto:ionxanruz@mail.ru)).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (16- рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90.

Диссертация автореферати 2020 йил « 25 » сентябрь куни тарқатилди.  
(2020 йил « 25 » сентябрдаги № 16- рақамли реестр баённомаси).

**Б.С. Закиров**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, к.ф.д., проф.

**Д.С. Салтанова**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш котиби, т.ф.д., проф.

**С.А. Абдурахимов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., проф.

## Кириш (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда нефт ёқилғилари бугунги куннинг барча ҳаёт соҳаларида катта аҳамият касб этади. Аҳоли сонини ошиши ва уларнинг яшаш тарзининг яхшиланиб бориши билан транспорт воситалари учун ёнилғи сифатида хизмат қилувчи, юқори сифатли ва экологик тоза энергия ресурсларига бўлган талаб ҳам кескин ошиб бормоқда. Мотор ёқилғилари, хусусан автомобил бензинига бўлган талабнинг ортиши, атмосферага чиқарилаётган заҳарли газлар миқдорини кўпайишига олиб келади. Шу сабабли, ишлаб чиқарилаётган нефт маҳсулотларини экологик сифатини яхшилаш учун замонавий технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда ёқилғини сифат ва миқдорий кўрсаткичларни бошқа табиий ресурслардан олинувчи қўндирмалар билан яхшилаш катта аҳамиятга эга.

Бугунги кунда жаҳонда экологик тоза автомобил бензинларини ишлаб чиқариш технологияларини ишлаб чиқиш, автобензинларни ресурсларини табиий хомашёлар ҳисобига кенгайтириш ва уларни коллоид-кимёвий, эксплуатацион хоссаларини яхшилаш бўйича қуйидаги илмий ечимларни асослаш: нефт маҳсулотларини коллоид-кимёвий тузилишидан келиб чиққан ҳолда, улардан олинадиган нефт маҳсулотлари, хусусан автомобил бензинларини олиш технологияларини ишлаб чиқиш; автомобил бензинларини сифат ва миқдорий кўрсаткичларини табиий ресурслар ҳисобига ошириш ва бензин-спирт композицияларини ўзаро дисперсион барқарорлиги, дисперс фазалар ўлчамлари ўзгаришишни коллоид-кимёвий қонуниятларини аниқлаш; бензин-спирт композициясининг коллоид барқарорлиги ошириш учун турли сирт-фаол моддаларни қўллаш ва уларни бензин-спирт композициясига таъсир этиш механизмини исботлаш; бензин таркибида ароматик ва парафин углеводородлар миқдорини камайтириш имконини берувчи гидроизомеризациялаш жараёнларини тадқиқ қилиш ҳамда ушбу жараён учун маҳаллий хомашёлар асосида янги таркибли катализаторлар турларини ишлаб чиқиш зарур.

Республикамизда автомобил бензини ишлаб чиқариш технологияларини модернизация қилиш, уларни табиий хомашёлар ҳисобига ресурсларини кўпайтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш»<sup>1</sup> вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, жумладан маҳаллий бензин фракциялари асосида замонавий экологик

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февральдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

талабларга жавоб берувчи бензин ишлаб чиқаришга йўналтирилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги, 2019 йил 1 февралдаги ПФ-5646-сонли «Ўзбекистон Республикаси ёқилғи-энергетика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда 2017 йил 30 июндаги ПҚ-3107-сон «Нефть-газ соҳасининг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, шунингдек мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.**

Юқори сифатли нефт маҳсулотлари ишлаб чиқариш, хусусан, экологик тоза, юқори антидетонацион кўрсаткичларга эга, коллоид-кимёвий ва эксплуатацион хоссалари яхшиланган автомобил бензинлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказларида, жумладан, Universal Oil Products (АҚШ), Royal Dutch Shell (Буюк Британия-Нидерландия), Shell Oil Company (АҚШ), Exxon Mobil Corporation (АҚШ), Institute of Petroleum Engineering (Германия), National Renewable Energy Laboratory (АҚШ), GS Caltex (Жанубий Корея), BASF илмий тадқиқот маркази (Германия), New Mexico Institute of Mining and Technology, (АҚШ), Озарбайжон саноат ва нефт давлат университети (Озарбайжон), М.Азизбеков номидаги Озарбайжон нефт ва кимё институти (Озарбайжон), Г.К. Боресков номидаги катализ институти (Россия), Уфа давлат нефт техника университети (Россия), А. Султонов номидаги Ўзбекистон кимё ва фармацевтика илмий тадқиқот институти (Ўзбекистон), Умумий ва ноорганик кимё институти (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Жаҳонда юқори сифатли, экологик тоза автомобил бензинларини ишлаб чиқариш, уларни коллоид-кимёвий хоссаларини яхшилаш ва хомашё ресурсларини кенгайтириш, бензин-спирт композицияларини компаундлашнинг муқобил нисбатларини аниқлаш, янги замонавий технологияларни жорий этишга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий натижалар олинган: бензинни бензолли фракцияларини олефин сақлаган газлар (этилен, пропилен, бутилен) билан алкиллаб, бензол миқдорини камайтириш жараёни ишлаб чиқилган (ВНИИНефтехим, Россия, UOP компаниясининг «Alkumax» технологияси,

<sup>2</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи [https://chemistry.ru/printletter.phptn\\_id=4920](https://chemistry.ru/printletter.phptn_id=4920), <http://www.neftelib.ru/neft-slovar-list/r/656/index.shtml>, webmaster: webmaster@ogbus.ru ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

АҚШ, Lummus компаниясининг «Katstill» технологияси, АҚШ), риформатнинг бензол сақлаган фракциясини дистилляциялаш ва алоҳида реакторда суяқ фазада гидрирлаш жараёнилари ўз ичига олган (бензолни циклогексангача гидрирлаш асосланган) янги технологиялар ишлаб чиқилган (Lummus компаниясининг «Sinsat» технологияси, АҚШ, Axens компаниясининг «Benfree» технологияси, Франция), бензолни метилциклопентангача изомеризациялаб, товар бензини таркибида ароматик углеводородлар, хусусан бензол миқдорини камайтириш билан биргаликда октан сонини бир неча пунктга ошириш имконини берувчи замонавий жараёнлар ишлаб чиқилган (УНТДУ «Региз» технологияси, Россия, Olkat компаниясининг «Debolk» технологияси, Россия, UOP компаниясининг «Penex-Plus» технологияси, АҚШ), МТБЭ олиш ва олефин углеводородлари билан ароматик углеводородларни алкиллашнинг комбинацион жараёни (UOP компаниясининг «Oksipro» технологияси, АҚШ) ишлаб чиқилган.

Дунёда автомобил бензини ресурсини кўпайтириш ва уларни сифатини яхшилаш, автомобил бензинларини антидетонацион хоссаларини яхшиловчи турли кислородли кўндирма композицияларини олиш, бензин-спирт композицияларини дисперсион барқарорлигини оширувчи СФМларни қўллаш, ноанъанавий муқобил хомашёларни автомобил бензинларини таркибига киритиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: нефтни қайта ишлаш ва газкимё мажмуаларидан чиқувчи иккиламчи маҳсулот ва қолдиқларини нефт маҳсулотлари таркибига сифатини яхшиловчи қўшимча сифатида қўллаш, уларнинг оптимал нисбатларини аниқлаш; кислородли бирикмалар асосида замонавий антидетонатор композицияларини олиш ва уларнинг бензин компонентларининг коллоид барқарорлигига таъсир этиш механизмини ўрганиш; автомобил бензини таркибини замонавий экологик талабларга мос келувчи углеводородлар миқдорини кўпайтирувчи технологияларни яратиш; фазавий ўзгаришларни нефт дисперсион тизими назарияси асосида бошқариш орқали экологик талабларга жавоб берувчи автомобил бензини олиш жараёнларини яратиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Автомобил бензинини физик-кимёвий, экологик ва эксплуатацион хоссаларини яхшилаш, унинг таркибидаги ароматик углеводородлар, хусусан бензол миқдорини камайтириш, автомобил бензинлари учун кислородли бирикмалар асосида турли кўндирмаларни олиш ва уларнинг таъсирини коллоид-кимёвий томондан ўрганиш бўйича дунёда қуйидаги олимлар Vorr P., Jancso G., Heinzinger K., Jorgensen W.L., Economou I.G., Donohue M.D., Wiengartner H., Sacco A., Trotta M., Карпов С.А., Капустин В.М., Гуреев А.А., Фукс Г.И., Емельянов В.Е., Козин В.Г., Иманкулов Н.Н. ва бошқалар, мамлакатимизда эса Султанов А.С., Ахмедов К.С., Абидова М.Ф., Ахмедов У.К., Абдурахимов С.А., Юнусов М.П., Туробжонов С.М., Икромов А., Ҳамидов Б.Н., Нарметова Г.Р., Акбаров Х.И., Эшметов И.Д., Адизов Б.З. каби олимлар ва бошқалар илмий-тадқиқот ишларини олиб боришган.

Ушбу олимлар томонидан нефт ва нефт маҳсулотларини коллоид-дисперсион тузилишини, уларнинг таркибига турли кислородли бирикмалар асосли қўшимчалар киритилганда фазавий барқарорлигини ўзгаришини ўрганиш ва ушбу ўрганишлар ҳамда кузатишлар асосида юқори сифатли замонавий экологик талабларга жавоб берувчи автомобил бензинларини ишлаб чиқариш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Шу билан бир қаторда, автомобил бензини ресурсларини кўпайтириш борасида турли табиий хомашёлардан олинган қўшимчаларни қўшиш ва молекуляр электростатик назария принципларига мувофиқ бензин-спирт композицияларида борувчи кимёвий ва фазавий ўзгаришлар чуқур ўрганилган.

Бирок, нефт дисперсион назариясига таяниб автомобил бензинларини сифатини яхшилаш, индукцион даврини узайтириш, бензин ва спирт орасидаги синергетик эффектни аниқлаш борасидаги изланишлар етарли эмас. Шу билан бир қаторда, бензин дистиллятларини гидрокаталитик қайта ишлаб, уларнинг таркибини мақсадли углеводородлар билан бойитиш, турли табиий ресурслардан олинувчи кислородли бирикмалар асосида, автомобил бензинларини нафақат октан сонини, балки уларнинг дисперсион барқарорлигини оширувчи кўндирмалар пакетини олиш бўйича тизимлаштирилган илмий тадқиқот ишлари ҳозирга қадар ўтказилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-Т024 «Турли ишлаб чиқаришларнинг қўшимча маҳсулотлари қўшиш орқали мотор ёқилғилари ресурсини ошириш ва сифатини яхшилаш» мавзусидаги хўжалик шартномаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** – кислородли кўндирмалар ва СФМ асосида маҳаллий паст октанли автомобил бензинларини детонацион барқарорлигини оширишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

паст октанли бензинни бензол сақлаган фракциясини ажратиб, уни гидроизомеризация жараёнидан ўтказиш;

гидроизомеризация жараёни учун каталитик фаол металлари майда дисперсион ҳолатдаги катализаторлар синтез қилиш ва уларнинг каталитик фаоллиги ва селективлигини аниқлаш;

гидроизомеризация катализаторлари ташувчиларини кислоталик даражасини HF билан ошириш ва алюминий оксидини кислоталилик даражасини оширишнинг методологиясини ишлаб чиқиш;

спирт концентрациясини, шу билан бирга спирт-бензин композициясини ташкил этувчи спирт ва углеводород таркибини автомобил бензини композициясининг эксплуатацион кўрсаткичларига, хусусан фазавий барқарорлиги ва тўйинган буғ босимига таъсирини баҳолаш бўйича тадқиқотлар мажмуини ўтказиш ва ҳосил бўлган эффектларни дисперс



системалар механикасини физик-кимёвий томонидан илмий очиб бериш;

бензин-спирт композициясининг фазавий барқарорлигини ошириш учун спиртдаги сувнинг муқобил миқдорини аниқлаш ва уни сувсизлантириш усулини ишлаб чиқиш;

бензин-спирт композициясининг фазавий барқарорлигига неоноллар ва монометиланилинни таъсирини тадқиқ қилиш ва бензин-спирт композициясининг юқори дисперсион барқарорликка эга мақбул таркибини аниқлаш;

кислородли бирикмалар асосида автомобил бензинлари учун антидетонацион кўндирмалар пакетини олиш ва бензин компонентлари, антидетонацион кўндирмалар пакети ва сирт-фаол моддаларни компаундлаб, янги таркибли, экологик тоза, юқори дисперс барқарор бўлган автомобил бензини композицияларини олиш технологик тизимини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объектилари** сифатида маҳаллий АИ-80 бензини, бензинни бензол сақлаган фракцияларини гидроизомеризациялаш жараёни учун синтез қилинган  $AlNiW-F$ ,  $AlNiWCu-F$ ,  $AlNiWMo-F$ ,  $AlNiWCo-F$  катализатор намуналари, изопропанол спирти (ИПС), этил спирти (ЭС), метил-трет-бутил эфири (МТБЭ), монометиланилин (ММА), ацетон, аннизол, бутилкарбитол каби оксигенатлар, ҳамда АФ 9-6, АФ 9-8, АФ 9-9, АФБ-10, АФБ-12 турдаги неоноллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг предмети** маҳаллий НҚИЗларида ишлаб чиқарилувчи паст октанли бензин фракциялари, кислородли бирикмалар ва сирт-фаол моддалар асосида юқори сифатли, замонавий экологик талабларга жавоб берадиган бензин композицияларини олишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда автомобил бензини, кислородли бирикмаларнинг физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш имконини берадиган: газ-суюқлик хроматографияси, адсорбцион-криоскопия, электрономикроскопик ва шу каби бошқа кўплаб замонавий ва анъанавий физик-кимёвий ҳамда коллоид-кимёвий усуллардан кенг фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

бензинни бензол сақлаган фракцияларини гидроизомеризациялаш жараёни учун алюминий-вольфрам-фтор, алюминий-вольфрам-мис-фтор, алюминий-молибден-фтор ва алюминий-вольфрам-кобальт-фтор турдаги каталитик фаол металлари майда дисперсион ҳолатдаги катализаторлар синтез қилинган ва гидроизомеризация жараёнида берадиган изомеризация реакциялари самарадорлиги катализаторларнинг кислоталилик даражаси билан боғлиқлиги аниқланган;

изопропанол спирти, этил спирти, метил-трет-бутил эфири, монометиланилин, ацетон, аннизол, бутилкарбитол каби кислородли кўндирмаларнинг бензин фракциялари антидетонацион хоссаларига таъсири исботланган;

кислородли бирикмалар ва сирт-фаол моддалар (неоноллар) асосида ЭМБ, ММБ ва ИМБ турдаги янги кўндирмалар композицияси олинган ва уларнинг бензин фракцияларининг октан сонига, фазавий барқарорлиги,

индукцион давр каби хоссаларига таъсири аниқланган;

NaX 3Å турдаги синтетик цеолит ёрдамида этанолни суюқ фазада абсолютлаш усули ишлаб чиқилган ва ушбу усулда абсолютлаш орқали таркибида 1,95 % масс.гача сув сақлаган этил спирти олиш мумкинлиги исботланган;

спирт-бензин композициялари хираланиш ҳароратига СФМларнинг таъсири ҳамда бензин-спирт композицияси таркибида 0,2% СФМлар қўшилиши натижасида, унинг хираланиш ҳарорати -15°C дан -32°C гача тушиши аниқланган;

гидроизомеризат, оғир бензин фракциялари, кўндирма композициялари ва СФМлар асосида олинган бензин композициясида октан сони 15,8 пунктгача ошди ва ушбу автомобил бензини таркибида бензол миқдори эса 0,32% об. гача камайгани газ-суюқлик хроматографида олинган хроматограммалар билан исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

саноат миқёсида паст октанли бензинни бензол сақлаган фракцияларини гидроизомеризация жараёни учун алюмоникел-вольфрам асосли катализаторларни олиш усули ва гидроизомеризациялаш жараёни технологик тизими ишлаб чиқилган;

кислородли бирикмалар (этанол, монометиланилин, бутилкарбитол) ва сирт-фаол моддалар (неоноллар) асосида антидетонацион кўндирмалар пакети олиш рецепти ишлаб чиқилган;

бензин-спирт аралашмасида унинг фазавий барқарорлигига, индукцион даврига антидетонацион кўндирмаларнинг таъсири ўрганилиб, этанолли антидетонаторларни бензин-спирт композициясида сувсизлик даражаси аниқланиб, этанолни сувсизлантиришнинг методологияси ишлаб чиқилган;

гидроизомеризация катализати, паст октанли бензин компонентлари, антидетонацион кўндирмалар ва неоноллар асосида юқори октанли (тадқиқот усулида октан сони 95,8) янги бензин композициялари олинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Илмий тадқиқот замонавий физик-кимёвий, коллоид-кимёвий ва эксплуатацион таҳлил усулларидан фойдаланилган ҳолда олиб борилган, лаборатория ва нефтни қайта ишлаш заводларида тажриба-синовлардан ўтказилиб, далолатномалар билан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, бензин-спирт композицияларини тайёрлаш, углеводород аралашмалари таркибида спиртнинг турли миқдорларида боровчи фазавий барқарорлиги ўзгариши, индукцион даврнинг ўзгариши, молекулалар ўлчамларини ўзгаришини дисперсион системаларнинг физик-кимёвий механикаси қоидаларига мувоқиқ ўрганиш ва илмий-технологик асосларини яратишда асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маҳаллий паст октанли бензин компонентларини гидроизомеризациялаш ва ушбу жараён маҳсулоти гидроизомеризат, паст октанли бензин фракциялар, кислородли бирикмалар

ва сирт-фаол моддалар асосида янги таркибли Европа стандарларига жавоб берувчи автомобил бензини композицияларини олиш имконини берувчи технологик тизимини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** СФМ ва кўндирмаларни қўллаб бензинларни детонацион барқарорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

гидроизомеризат, оғир бензин фракцияси, ЭМБ кўндирмаси ва АФ 9-6 неонолини компаундлаб, юқори сифатли автомобил бензинлари олиш усули «Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи» МЧЖда истиқболли ишланмалар рўйхатига киритилган («Ўзбекнефтегаз» АЖнинг 2020 йил 28 августдаги 02/17-5/26-485-сонли маълумотнома). Натижада маҳаллий паст октанли бензинлари асосида юқори антидетонацион барқарорликка эга бўлган автомобил бензинлари ишлаб чиқариш имкониятини берган;

бензинни бензол сақлаган фракциясини гидроизомеризациялаб олинган катализат, оғир бензин фракциялари, ЭМБ антидетонацион кўндирмаси ва СФМларни компаундлаб, модификацияланган, юқори октанли автомобил бензинлари олиш усули «Чиноз нефтни қайта ишлаш заводи» МЧЖда истиқболли ишланмалар рўйхатига киритилган («Ўзбекнефтегаз» АЖнинг 2020 йил 28 августдаги 02/17-5/26-485-сонли маълумотнома). Натижада маҳаллий бензин компонентлари, кислородли кўндирмалар ва неоноллар асосида юқори октанли, дисперсион барқарор автомобил бензинлари ишлаб чиқариш имконини берган;

гидроизомеризат, СФМ ва кўндирмаларни қўллаб бензинларни детонацион барқарорлигини оширишга оид маълумот ва хулосалар Бухоро муҳандислик – технология институти бакалаврларига мўлжалланган «Нефтьгазкимё саноатида катализ» ўқув қўлланмаси мазмунига сингдирилган (Гувоҳнома 892-067-сон). Натижада бакалавр ва магистрларнинг автомобил бензинларини детонацион барқарорлигини ошириш соҳасидаги билимларини бойитиш ҳамда мустаҳкамлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқотнинг асосий натижалари 10 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, улардан 2 та монография, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан 5 таси республика ва 7 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 185 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги келтирилган, мақсад ва вазифалар, шунингдек, муаммонинг ўрганилганлик

даражаси, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантириш йўналишига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг ҳажми, тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Автомобил бензинларини экологияга таъсири, уларни экологик ва коллоид-кимёвий хоссаларини яхшилаш усуллари»** деб номланган биринчи бобида, экологик тоза автомобиль бензинларини олишнинг замонавий технологиялари, шунингдек, нефтни қайта ишлаш заводларидан чиқувчи паст октанли бензин фракцияларини таснифи, улардан коллоид-кимёвий хоссалари яхшилانган автобензинлар олишнинг турли усуллари, бензин сифатини оширувчи турли кислородли бирикмалар, уларнинг физик-кимёвий хоссалари, оксигенатларни қўлланишини ўзига хослиги, уларнинг автомобиль бензинига таъсир этиш механизми, оксигенатларни бензин-спирт композициясининг дисперсион барқарорлигига, фазалар ўлчамнинг ўзгариши ва бунинг оқибатида бензин-спирт композициясининг индукцион даврининг ўзгариши, замонавий автомобиль бензинларига қўйилган экологик талаблар, автомобиллардан атмосферага чиқарилаётган чиқинди газларни таркиби ва ароматик углеводородлар, хусусан бензолнинг чала ёниши натижасида ҳосил бўлувчи газларнинг заҳарлилик даражаси кўрсатилган.

Бензинни экологик хоссаларини яхшилашнинг бугунги кунга қадар бўлган коллоид-кимёвий ёндашувлар ва назарияларнинг изчил таҳлили келтирилган.

Адабиётлар таҳлили тадқиқотни мақсади ва вазифаларини ифодалашга ёрдам берди. Диссертациянинг **«Тадқиқот объектлари ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида маҳаллий нефтни қайта ишлаш заводларидаги паст октанли бензин компонентларини бензолли фракцияларини аниқлаш, уларнинг физик-кимёвий, коллоид-кимёвий хоссалари, хусусан дисперсион барқарорлиги, фазаларнинг ўзгариш даражаси, бензин-спирт композицияларидаги спирт ва сув миқдорини, автомобиль бензинларининг детонацион барқарорлигини аниқлаш усуллари келтирилган.

Диссертация ишида бензин ва унинг фракцияларининг углеводород гуруҳ ва кимёвий таркибини, коллоид-кимёвий хусусиятларини, гидроизомеризация жараёнида турли шароитларда қўлланилган катализаторларнинг фаоллиги ва селективлигини аниқлаш имконини берувчи замонавий ва классик тадқиқот усуллари мажмуи, шу билан бирга Давлат Стандартлари асосидаги нефт маҳсулотлари тадқиқ қилиш усулларида фойдаланилган.

Диссертациянинг **«Бензиннинг бензол сақлаган фракциясини гидроизомеризациялаш жараёнига таъсир этувчи коллоид-кимёвий омилларни тадқиқ қилиш»** деб номланган учинчи бобида нефт ва нефт маҳсулотлари тўғрисидаги коллоид-кимёвий қарашлар назарий асосларини

ҳисобга олган ҳолда бензиннинг бензол сақлаган фракцияларини гидроизомеризациялаш жараёнини кимёвий механизми, катализатор ташувчиларининг гидрирлаш, изомеризациялаш реакцияларига таъсирини тадқиқ қилиш ва ташувчини промоторлаш, гидроизомеризация жараёнини мувозанат константасини ҳисоблаш, бензинни бензол сақлаган фракциясини гидроизомеризациядан чиққан маҳсулоти таркибини мувозанати ҳисоблаш тизимий кетма-кетлиги келтирилган.

Диссертациянинг «**Бензиннинг бензол сақлаган фракциясини гидроизомеризациялаш**» деб номланган тўртинчи бобида АИ-80 бензини ва уни фракцияларини физик-кимёвий хоссалари ва лаборатория қурилмасида ўтказилган гидроизомеризация жараёни натижалари келтирилган.

Тадқиқот объекти сифатида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида ишлаб чиқарилган, 22.11.07 даги UzSMT 01.164.0678712 маҳсулот сертификатига тўлиқ жавоб берувчи АИ-80 автомобил бензини олинган.

**1 – жадвал**

**Тадқиқот объектини физик-кимёвий, коллоид ва эксплуатацион хоссалари**

№	Кўрсаткичлар	АИ-80	
1.	Ранги	Равшан-сарик, тоза, шаффоф	
2.	Детонацион барқарорлиги:	О.С.Т.У.	80
		О.С.М.У.	76
3.	20°C зичлиги, $гp/см^3$	0,770	
4.	Нур синдириш коэффициенти, $n_D^{20}$	1,4631	
5.	Мис пластинкадаги синов	чидамли	
6.	Сув миқдори	мавжуд эмас	
7.	Механик аралашмалар миқдори	мавжуд эмас	
8.	Фракцион таркиби:		
	Бошланғич қайнаш ҳарорати, °C	36	
	ҳайдаш ораликлари, °C:		
	10%	50	
	50%	104	
	90%	150	
	Сўнгги қайнаш ҳарорати, °C	180	
	Қолбадаги қолдиқ, %	1,5	
	Йўқотилиш, %	3,0	
9.	Олтингугуртни массавий улуши, %	0,02	
10.	Сувда эрувчи кислота ва ишқорлар миқдори	мавжуд эмас	
11.	Кислоталилиги, 100 $см^3$ бензинда КОН мг	3,0	
12.	Смолалар миқдори, 100 $см^3/мг$	1140	
13.	Углеводород таркиби, % масс.:		
	ароматик углеводородлар	48,24	
	n-парафин углеводородлар	15,3	
	изо-парафин + нафтен углеводородлар	36,46	

1-жадвалда эса тадқиқот объектини физик-кимёвий ва коллоид-эксплуатацион хоссалари келтирилган бўлиб, ушбу хусусиятлар ҳам барча давлат стандартлари асосида аниқланган. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, маҳаллий АИ-80 бензини кўп хоссалари билан маълум бир талабларга жавоб берса, айрим кўрсаткичлари бўйича эса бундан мустасно. Шундан келиб чиққан ҳолда, ушбу товар бензинни экологик-эксплуатацион хоссаларини яхшилаш учун, унинг тўлиқ ўзи эмас, балки айрим фракцияларини олиб, иккиламчи қайта ишлаш орқали юқори сифатли бензин олишга катта эътибор қаратилди.

Биз тадқиқотимизнинг ушбу босқичида асосан, бензинни ароматик углеводородларини, хусусан бензол миқдорини камайтириш ва шу орқали унинг экологик хоссаларини яхшилашга эътибор қаратдик. Шунинг учун, таъқиқот объекти таркибидаги бензол сақлаган фракцияни аниқлаш мақсадида, уни бир нечта фракцияларга ажратдик.

Бензинни фракциялаш жараёни бошланғич қайнаш ҳароратидан 130°C гача олиб борилди. Бензолни қайнаш ҳарорати 80,1°C бўлсада, молекулаларни ўзаро тортишиш кучи ҳисобига бензол молекулалари нисбатан юқори ҳароратларда ҳам учрашини инобатга олган ҳолда, қайнаш ҳароратини оралиғини нисбатан каттароқ олдик.

Бензин фракциялари таркибида бензол миқдорини аниқлаш учун газ-суюқлик хроматография усулидан фойдаландик. Олинган натижалар 2 – жадвалда келтирилган.

## 2 – жадвал

### АИ-80 бензинни фракцияларга ажратишни моддий баланси ва ушбу фракциялардаги бензол миқдори

№	Фракция	Миқдори, мл	Бензол миқдори %, об.
1.	АИ-80 бензин	100	8,11
2.	б.қ.ҳ. -80°C	28,5	17,4
3.	80°C – 90°C	9,7	15,5
4.	90°C – 100°C	11,2	11,35
5.	100°C – 110°C	2,4	7,8
6.	110°C – 120°C	7,5	4,7
7.	120°C – 130°C	8,4	0,04
8.	130°C – с.қ.ҳ.	32,3	0,00

Жадвалда келтирилган тадқиқот натижалари, бензин таркибидаги бензолнинг асосий миқдори бензиннинг бошланғич қайнаш ҳароратидан 100°C гача бўлган фракцияда учрашини кўрсатди. Ушбу натижаларга таяниб, гидроизомеризация жараёни учун бензол сақлаган фракция сифатида б.қ.ҳ. -100°C гача бўлган фракцияни танлаб олдик.

Ушбу фракциянинг физик-кимёвий хоссалари 3-жадвалда келтирилган.

**АИ-80 автомобил бензини ва унинг б.қ.х.-100°С ҳароратлар оралиғида қайновчи фракциясининг углеводород таркиби ва айрим физикавий хоссалари**

№	Намуна номи	Ҳажми, мл	Нур синдириш кўрсаткичи	Зичлиги, г/см <sup>3</sup>	Углеводородлар миқдори, % масс.			Бензол миқдори, % .об
					Ароматик углеводородлар	n-парафин углеводородлар	изо-парафин + нафтен углеводородлар	
1	Бензин АИ-80	100	1,4631	0,770	48,24	15,3	36,46	8,11
2	б.қ.х. – 100°С	49,4	1,4455	0,740	42,12	12,2	45,68	13
3	100°С – с.қ.х.	50,6	1,4850	0,790	55,32	6,89	37,79	0,03

Гидроизомеризация жараёнини олиб бориш учун биз томонимиздан бир неча турдаги катализаторлар синтез қилиниб, гидроизомеризация жараёнида синаб кўрилди. Олинган катализаторларнинг таркиби 4 – жадвалда келтирилган.

**Олинган катализаторлар таркиби**

Катализатор номи	NiO миқдори, % масс	WO <sub>3</sub> миқдори, % масс	MO <sub>3</sub> миқдори, % масс	CoO <sub>3</sub> миқдори, % масс	CuO миқдори, % масс	Фторланган- Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub> миқдори, % масс
Алюмоникель-вольфрам-мис-фтор катализатори (AlNiWCu-F)	5,0	3,0	—	—	1,0	91
Алюмоникель-вольфрам-фтор катализатори (AlNiW-F)	5,0	5,0	—	—	—	90
Алюмоникель-вольфрам-молибден-фтор катализатори (AlNiWMo-F)	5,0	3,0	2,0	—	—	90
Алюмоникель-вольфрам-кобальт-фтор катализатори (AlNiWCo-F)	5,0	3,0	—	1,0	—	91

Диссертациянинг «Кислородли кўндирмалар ва сирт-фаол моддаларни автомобил бензинларига қўллашнинг коллоид-кимёвий хусусиятлари» деб номланган бешинчи бобида замонавий октан сонини оширувчи кўндирмалар, ароматик амин, эфир ва спирт асосли синергетик аралашмаларнинг маҳаллий АИ-80 бензини ва унинг компонентларини октан

сонига таъсирини аниқлаш, уларнинг автомобил бензинларини коллоид барқарорлигига таъсирини баҳолаш, бензин-спирт композициясини (БСК) дисперс тузилишини ва дисперс фазаларни ҳосил бўлишида спиртларнинг молекуляр тузилиши ўрганиш, бензин-этанол композицияларининг изопрпанол, изобутанол ва монометиланилиндаги фазавий барқарорлиги аниқлаш ва ушбу композицияларни оксиэтилланган алкилфенол (неонол)лар билан барқарорлаштири ва этанолни суюқ фазада сувсизлантириш янги усулини ишлаб чиқиш каби қатор тадқиқотлар мажмуининг натижалари келтирилган.

Биз илмий тадқиқот ишимизда бир нечта бензинни антидетонацион хоссасини яхшиловчи қўндирмаларни синовдан ўтказдик. Улар: *Изопропанол спирти (ИПС)*, *этил спирти (ЭС)*, *метил-трет-бутил эфири (МТБЭ)*, *монометиланилин (ММА)*, *ацетон*, *аннизол*, *бутилкарбитол (БК)*.

Бунда қўндирмалар маҳаллий паст октанли бензин ва унинг турли фракциялари билан компаундланиб, кислородли қўндирмаларнинг октан сонини ошириш даражалари ўрганилди. Олинган натижалар автомобил бензинлари учун янги таркибли антидетонацион қўндирмалар олиш учун асос бўлиб хизмат қилди.

Ўтказилган тадқиқот натижалари, барча қўлланилган оксигенатлар АИ-80 товар бензинини октан сонини маълум бир пунктга оширишини кўрсатди. Бу кўтарилишлар айрим оксигенатларда сезиларли бўлса, бошқаларида ўсиш тезлиги нисбатан паст. Ушбу ўзгариш кўрсаткичлари ва оксигенат ресурслари ва таннархидан келиб чиққан ҳолда, бензинни антидетонацион хоссасини ошириш мақсадида ушбу оксигенатларни аралаштириб, янги антидетонацион қўндирмалар композициялари олинди. Олинган антидетонацион қўндирмалар композициясини таркиби ва номланиши 5 – жадвалда келтирилган.


#### 5 – жадвал

#### Олинган антидетонацион қўндирмалар композицияларини таркиби ва номланиши

Олинган антидетонацион қўндирмалар композициясини номланиши	Қўндирма компонентлари
ЭМ	ЭС:ММА (6:1)
ИМ	ИПС:ММА (6:1)
ММ	МТБЭ:ММА (6:1)
ЭБ	ЭС:БК (6:1)
ИБ	ИПС:БК (6:1)
МБ	МТБЭ:БК (6:1)
ЭМБ	ЭС:ММА:БК (6:1:1)
ИМБ	ИПС:ММА:БК (6:1:1)
ММБ	МТБЭ:ММА:БК (6:1:1)




Тадқиқотимизнинг бошида ИМ, ЭМ ва ММ қўндирмаларини паст октанли бензиннинг октан сонига таъсири аниқланди. Олинган натижалар қуйидаги 1-расмда келтирилган.



**1-расм. ЭМ, ИМ, ММ қўндирма композицияларининг паст октанли бензинни детонацион барқарорлигига таъсири**

Бунда ММА ни МТБЭ асосида олинган ММ қўндирма намунаси бошқа қўндирмаларга нисбатан юқори кўрсаткични кўрсатди. Ушбу қўндирмани паст октанли бензинга 5% миқдоргача қўшилганда, октан сони катта birlikларда кўтарилди ва ундан юқори концентрацияларда ушбу кўтарилиш бир оз пасайди.


Сўнгра бутилкарбитолни ИПС, ЭС ва МТБЭ билан компаундлаб олинган қўндирма намуналари олинди ва уларнинг маҳаллий паст октанли автомобил бензинининг антидетонацион хоссасига таъсир кўрсатиш даражаси аниқланди (2-расм).



**2-расм. ЭБ, ИБ, МБ қўндирма композицияларининг паст октанли бензинни детонацион барқарорлигига таъсири**

Ушбу антидетонаторларни синов натижалари ҳам БК ни МТБЭ билан биргаликдаги намунасини юқорироқ кўрсаткич намоён этганини кўриш мумкин. Бироқ, БК билан олинган ушбу қўндирма намуналари ММА қўндирма намуналарига нисбатан пастроқ кўтарилишни кўрсатди.

Тадқиқотларимизни сўнгги босқичида ММА ва БК ни ИПС, ЭС, МТБЭ билан биргаликдаги намуналари олинди, уларни АИ-80 бензини октан сонига таъсири ўрганилди. Қўндирмалар ИМБ, ЭМБ ва ММБ деб номланди. Тадқиқот натижалари 3-расмда келтирилган.



**3-расм. ЭМБ, ИМБ, ММБ қўндирма композицияларининг паст октанли бензинни детонацион барқарорлигига таъсири**

ИМБ, ЭМБ ва ММБ қўндирмалари билан ўтказилган тажрибаларда, М:ММА:БКларнинг 6:1:1 нисбатлари олинган ММБ қўндирмаси юқори ўсиш кўрсаткичини намоён этди. Бироқ, этанол асосли қўндирма намунаси ҳам деярли шундай октан сонига таъсир этиши ҳам тадқиқот натижалари кўрсатиб берди.

Бензинни октан сонини оширувчи индивидуал қўндирмалар ва улар асосида олинган янги антидетонацион қўндирмалар намуналарини автомобил бензинларининг детонацион барқарорлигини тадқиқ қилиш натижалари ММБ ва ЭМБ қўндирмалар энг юқори кўрсаткичларини намоён этганини кўрсатди. Бугунги кунда бизга маълумки, Европа ва Американинг кўплаб ривожланган мамлакатларида МТБЭ оксигенат сифатида қўлланишилиши ман этилган. Бунда унинг экологияга жиддий салбий кўрсатиши асосий сабаблардан биридир. Шунинг учун, тадқиқотимизда этанол асосли ЭМБ антидетонацион қўндирма сифатида танлаб олдик.

Тадқиқотимизнинг кейинги босқичида ИПС, ЭС, МТБЭ ва ЭМБ қўндирма композицияларини маҳаллий паст октанли автомобил бензини ва унинг фракцияларини таркибидаги смолалар миқдори таъсири ўрганилди.

Бензин ва унинг турли фракциялари таркибидаги смолалар миқдори куйидаги жадвалда келтирилган.

**Қўлланилган бензин компонентларининг физик – кимёвий хоссалари**

Бензин тури	Смолалар миқдори, 100см <sup>3</sup> /мг	Зичлиги, см <sup>3</sup> /гр
АИ-80 бензин	1140	0,770
Риформат (Р)	1457,00	0,7912
Тўғри ҳайдалган бензин (ТХБ)	12,20	0,7915
Катализат (К)	1235,10	0,7885

Тажриба бошида риформат ва катализатни ўзаро аралаштириб олинган бензин намунаси ва ушбу намунага 10% миқдордаги ИПС, ЭС, МТБЭ ва ЭМБ қўшиб олинган бензин композицияларида смолалар миқдорини ўзгариши аниқланди. Олинган натижалар қуйидаги 7-жадвалда келтирилган.


**Турли бензин фракциялари ва уларга оксигенатлар қўшиб олинган бензин намуналаридаги смолалар миқдори**

Катализатдаги (К) риформат (Р) миқдори, % масс.	Турли бензин намуналаридаги смолалар миқдори, 100 см <sup>3</sup> /мг				
	К + Р	К + Р + ИПС	К + Р + ЭС	К + Р + МТБЭ	К + Р + ЭМБ
0	1235,1	1235,1	1235,1	1235,1	1235,1
10	1237	1237	1237	1236	1235,4
20	1240	1240	1240	1238	1237
30	1242	1242	1242	1241	1239
40	1245	1245	1245	1243	1241
50	1250	1249	1249	1246	1242
60	1280	1260	1255	1258	1245
70	1330	1300	1290	1270	1250
80	1385	1340	1335	1300	1265
90	1400	1375	1368	1320	1278
100	1450	1400	1398	1360	1300

7-жадвалда келтирилган натижалар бензин фракциялари таркибига турли қўндирмаларни киритилиши, улар таркибидаги смолалар миқдорини камайтиришини кўрсатди. Смолалар миқдорини камайтиришда энг яхши натижани ЭМБ қўндирмаси намоён этди. Буни ЭМБ қўндирмаси таркибидаги моддаларнинг бензин фракцияларига синергетик таъсир этиши билан тушунтириш мумкин.

Кислородли қўндирмаларни бензиннинг чўкма ҳосил қилишга қарши ижобий таъсирини тасдиқлаш мақсадида, 5% этил спирти сақлаган бензин композицияларини 45 сутка мобайнида смола ҳосил қилиш кинетикаси ўрганилди (4-расм).

4-расм таҳлил натижалари, ароматик ва тўйинмаган углеводородлар сақлаган юқори смолали бензин фракцияларида смола ҳосил қилиш тезлиги юқорилигини кўриш мумкин. Бунда таркибида этил спирти сақлаган ва сақламаган бензинларнинг 10 сутка мобайнидаги смола ҳосил қилиш тезлиги бир хил. Кейинчалик сақлаш вақтининг ортиши билан смола ҳосил қилиш тезлиги фарқ қилиб боради. Таркибида этил спирти сақламаган бензин намуналарида смола ҳосил қилиш даражаси сақлаш вақти кўпайиб борган сари ошиб боради ва 45 суткадан сўнг, унинг смола ҳосил қилиш тезлиги 1,3-1,5 бараваргача ортади.



**4-расм. Бензин композицияларини смола ҳосил бўлиш тезлиги кинетикаси**

Олинган натижаларни тасдиқлаш мақсадида, таркибида оксигенатлар сақлаган бензин композицияларини индукцион вақтини аниқладик. Натижалар 8 – жадвалда келтирилган.


Юқорида жадвалдан кўриниб турибдики, ЭМБ қўндирмаси қўшилганда АИ-80 автомобил бензининг индукцион даври 28 суткадан 36 суткагача узайганини кўрсатди.

**8 – жадвал**

**Бензин ва унинг компонентларини индукцион даври**

Бензин тури	Индукцион давр, сутка
АИ-80 бензин	28
АИ-80 бензин + 5% ИПС	31
АИ-80 бензин + 5% ЭС	31
АИ-80 бензин + 5% МТБЭ	34
АИ-80 бензин + 5% ЭМБ	36
Риформат	22
Р+5% ЭС	24
Р+5% ИПС	24
Р+5% МТБЭ	28
Р+5% ЭМБ	29
Катализат	27

К+5% ЭС	30
К+5% ИПС	32
К+5% МТБЭ	33
К+5% ЭМБ	35



### 5-расм. Бензин-этанол дисперс системасидаги дисперс фаза заррачалар ўлчамлари

Кейинги босқичда этил спиртини бензинда миқдорини ошириши билан, фазаларнинг ўлчамини ўзгариши тадқиқ қилинди. Ўлчамни таҳлил натижалари 5-расмда келтирилган. Олиган натижалар, бензин-спирт композициясида спирт концентрацияси ортиши билан заррачалар ўлчами катталишини кўрсатди.

Олиган кўрсаткичларни таҳлил қилиш учун, спиртни ҳажмий миқдорий функцияси радиусини аппроксимация ўтказилди.

Ўлчамлар фазанинг доимий сони бўйича тахмин қилинганига нисбатан тезроқ катталашди. Бу аралашмада коалесценция мавжудлигини билдиради ва бу кейинчалик система мустаҳкамлигини йўқотилишига олиб келади. Бироқ, аввалги тадқиқотлар натижалари БСКда спирт концентрациясини ошириши билан, ушбу системада фазавий барқарорлигини ошишини кўрсатган эди.

Бундай эффектни спирт-углеводород дисперс системасида индукцион (ёки поляризацион) куч пайдо бўлиши билан тушунтириш мумкин. Ушбу кучлар кутбли ва кутбсиз молекулалар орасида таъсир қилади. Кутбли молекула ҳажмий тенг тақсимланган, электр зарядли молекулани кутблантирувчи электр майдон ҳосил қилади. Мусбат зарядлар электр майдон йўналиши бўйича аралашади, манфий эса – тескари. Натижада кутбсиз молекулада дипол момент ҳосил бўлади.

Абсолют спиртлар билан ўтказилган тадқиқотлар, прибор аниқлай олган дисперс фаза заррачаларини энг кичик ўлчамлари метанол учун 1,2 нм ва этанол учун 1,5 нм. Дисперс заррачаларни фазовий уч ўлчовли моделлаштиришдан ўтказиб ҳамда ўртача куч потенциалини ҳисоблаб, бундай ўлчам дисперс заррача ичида молекулани жойлашган тетраэдрий моделига мос келиши аниқланди.


Юқорида келтирилганидек, спиртларни бензинларда қўшимча сифатида қўлланмаслигининг асосий сабаби, уларнинг асосан кишки мавсумлардаги фазавий барқарорлигининг пастлиги (қатламларга ажралиш) ҳисобланади. Шунинг учун, автомобил бензинларига спиртли қўндирмалар киритилишда, уларнинг фазавай ва паст ҳароратлардаги барқарорлигини оширувчи қўшимчалар қўшилиши лозим. БСК барқарорлаштирувчиси сифатида тадқиқ қилиш жараёнининг бутун даври мобайнида жуда кўплаб сирт-фаол моддаларнинг таъсири ўрганилган. Ҳозирги вақтда эса оксиэтилланган алкил фенолларни қўллаш кенг тус олмақда. Шунинг учун, биз ҳам ўз тадқиқотларимизда турли неонолларни БСКни барқарорлаштиришда синаб кўрдик.

Оксиэтилланган алкилфенолнинг танланишининг асосий сабаби уларни спиртлардаги каби бензин углеводородларида ҳам яхши эришидир. Тадқиқ этилган СФМлар асосан «нефт маҳсулотлари-сув» (ушбу ҳолатда «бензин-спирт-сув») дисперс системаларида қўлланилган. Нефт маҳсулотларига қўшилаётган диспергирловчи қўндирма сифатида киритиладиган СФМлар эрмаган маҳсулотларни майда заррачалар ҳолатида ушлаб туриш орқали, уларни коагуляцияга ва чўкмага тушишини олдини олиши билан композициянинг агрегатив турғунлигини таъминлайди.

Тадқиқотларимизнинг кейинги босқичида бензин-спирт композицияларини барқарорлаштириш ва хираланиш ҳароратларини ( $T_{хир.}$ ) пасайтириш мақсадида қуйидаги неонолларни қўлладик: АФ 9-6, АФ 9-8, АФ 9-9, АФБ-10, АФБ-12.

Неонолларни СФМлар сифатида қўлланилишининг сабабларидан яна бири уларни замонавий ювувчи қўндирмаларнинг таркибида ҳам мавжудлигидир. Қўндирмаларнинг ювувчи хусусиятлари уларнинг адсорбция қобилиятини ёқилғи системасини сиртларини фазаларга ажралиш жараёнида, қўндирма хоссаларини радикал ўзгартириши асосланган бўлиб, улар «қаттиқ жисм – суюқлик» фазалараро чегаранинг сирт таранглигини салмоқли равишда камайтириши орқали фазавий ўтишларни амалга ошириш, системани барқарорлаштириш ҳамда фазалар ажралишининг янги сиртларини ривожланишини олдини олади.

Неонол миқдорининг БСКнинг  $T_{хир.}$  га таъсири 6-расмда келтирилган.



**6-расм. Риформинг бензини билан этанол (5% масс. миқдорда) аралашмасини  $T_{хип}$  кўрсаткичини СФМга боғлиқлиги**

Бензинларнинг алоҳида компонентлари билан ўтказилган тадқиқотлар шуни тасдиқладики, таркибида этанол сақлаган автомобил бензинларининг паст ҳароратли хусусиятларини тўғри ҳайдалган ва риформинг бензинларида юқори кўрсаткичларни намоён этди.

Тадқиқот натижалари АФ 9-6 неопроли БСК учун мукаммал қўшимча эканлигини кўрсатди. Неопролар билан ўтказилган тадқиқотларда уларнинг радикаллари сони қанча кам бўлса, БСКнинг хираланиш ҳароратига сезиларли таъсир этишини кўрсатди. Неопроларнинг бундай таъсир этиши улардаги углеводород радикаллари турлича узунликдалигига боғлиқ бўлиб, ушбу радикалларнинг асоциат ҳосил қилишдаги турлича таъсирига боғлиқ бўлиши мумкин. Радикал узунлиги қанчалик кам бўлса, асоциат ҳосил бўлиши шунчалик осон ва аксинча радикал қанчалик узун бўлса, шунчалик қийин кечади.

